

...Хозирги мадрасалар илмхона эмас, корихона. Максад хам, усул хам корилик, күр корилик. Унинг зах хужраларида 15-20 йилда олинадиган билимни замонавий ўкув юртларида 3-4 йилда әгаллаш мумкин. Инсоннинг умри шу кадар кадрсизми?

Муқаддима

Бу ном юз йил муқаддам туркий дунёдаги энг машхур ном эди. Уни Кашкардан Лондонгача, Санкт-Петербургдан Бомбейгача билар эдилар. У чикарган “Таржимон” газетасининг 1908 йилдаги 25 йиллик тўйида Хитойнинг “Таранча”сидан табрик телеграммаси келган. 1911 йилда унинг “Хўжай сибён” (“Болалар муаллими”) китоби Бомбейда босилди. Муаллифни Хиндистонга таклиф этадилар. Бир йил олдин эса Франциянинг энг эътиборли журналларидан “Ревю дю монде мусулман” унинг миллат олдидаги буюк хизматлари учун номзодини “Тинчлик борасидаги Халкар Нобель Мукофоти”га тавсия килган ва буни хорижий мамлакатлардаги жуда кўп матбуот органлари кўллаб-куватлаб чиккан эди.

У вафот этган 1914 йилнинг 11 сентябрида машхур Наримон Наримонов ёзади: “Миллат Исмоилбек каби қаҳрамонларини унутса, ўз хаётини барбод этажакдир”

У тириклигидайёк миллатнинг отаси, рахнамоси деган ном олди. Унинг энг катта хизмати Россия сарҳадида яшаб турган, лекин замоннинг зайлар билан бир-биридан узок тушган (тўгрироги, узоклаштирилган) ва бегоналаниш даражасига етган туркий халкларни бир-бирига танитди. Беҳбудий сўзлари билан айтганда, “Русиядаги бутун турк-татар халкларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оиласа бирлаштиромокка ноил бўлди”. Шарқ халклари маънавий жадидида, хусусан, мактаб-маорифида чинакам инкилоб ясаган, “усули жадид” номи билан тарихга кирган “усули савтия”ни бошлаб берди. XX аср Шаркининг энг машхур, энг тараккийпарвар харакатчилигига жадидчиликка асос солди.

У барча туркий халкларни яхлит, ягона миллат деб билди. Уларни хам илм-маърифатда, хак-хукукда дунёнинг тараккий килган миллатлари билан тенг, бакамти кўрмокни орзу килди. Бутун акли-вужудини мана шу муқаддас ишга-миллатнинг равнаки ва муҳофазаси йўлига сарф этди. Бу шунчаки мутаассибона бир орзу эмас, замонасининг баланд-пастидан хабардор, тарих ва тақдирини теран англаған, Шаркни хам, Гарбни хам

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

баббаравар билган ва баббаравар кўрган бир кишининг аник ва режали хатти-харакат эди. Афсуски, унинг бу ишларида айрим “дўстлар” и шаккоклик, кофирпастлик кўрдилар. Душманлари эса унга сиёсий айб кўйдилар. Туркий кавмларни Русия давлатига карши бирлаштиришда, ягона турк-татар мамлакати тузишга уринишда айладилар. Ва бу даъволар машъум 30-йилларда жуда “иш” берди. Унинг номи, унинг хотираси авлодлар калбидан юлиб олинди. Наслларга ўз халкининг каттол душмани килиб кўрсатилди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас экан. Хакикат, канчалар чукур кўмилмасин, бир кунмас бир кун юзага чикар экан. Даврон айланиб, Исмоилбек Гаспринский 80-йилларнинг охиридан яна авлодларга кайта бошлади...

1987 йилда “Звезда Востока” журнали Л.Климовичнинг у хакдаги “Маърифат хизматида” маколасини берди. “Йилдиз” 1989 йилда “Таржимон”нинг мундарижасини эълон килди.

1990-91 йилларда мархум С.Гафаровнинг у хакдаги монографиясини босиб чикарди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да (1991 йил 15 март) Ш.Турдиевнинг маколаси чикди.

Булар орасида С.Гафаров тадқикоти, у тўплаган кимматли материаллар буюк маърифатчининг хаёти ва ижод йўлини ўрганишда, айникиса, кутубхоналардан тўла нусхасини топиш деярли мумкин бўлмаган “Таржимон” материиллари билан танишишда бирдан бир манба бўлиб турибди.

1991 йилда Симферополда Исмоилбек Гаспринский таваллудининг 140 йиллигига багишланган халкаро анжуман бўлиб ўтди. Дунёнинг турли мамлакатларидан уч юзга якин киши иштирок этди. 90 та маъруза тингланди. Ўзбекистондан файласуф К.Хоназаров, адабиётшунос Ш.Турдиев ва камина маъруза билан катнашдик.

Четда 1950 йилда у хакда Бурбил деган киши, докторлик диссертацияси ёзган ва Гамбургда китоб босдирган. Америкалик Эдвард Жеймс Лаззери диссертацияси 1973 йилда “И.Гаспринский ва Русияда мусулмон модернизми” номи билан Вашингтонда босилиб чиккан. 80-йилларда эса Туркияда Нодир Давлат ва Мехмет Сарой нинг у хакдаги монографиялари дунё кўрди. 1991 йилда Тошкентда Э.Аблаевнинг “Исмоил Гаспринский-гуманист, просветитель, педагог” рисоласи босилди. Кейинги тадқикотлардан бири Хокон Кримлининг “Крим татарларида миллий кимлик ва миллий харакатлар (1905-1916)” (Анкара,1996) китобидир.

Хаёт йўли

Ялта-Алупка йўлида баланд-паст уйлари Кора денгизга ястаниб тушиб келадиган Гаспра номли кишлок бор. Исмоилбекнинг ота-боболари шу жойдан, Гаспрадан. Исмоилбек хам тахаллус-нисбани шундан олди. Бирок у кўпроқ Гаспринский номи билан шухрат козонди. Инкилобгача бўлган ўзбек матбуотида у “Гаспрински” деб берилади. Исмоилбек Гаспрадан унча узок бўлмаган, тўрт томони тоглар билан ўралган Ажикўй (овчи кўй-овчилар кишлоги)да 1851 йилнинг 21 марта -кутлуг наврўз кунида таваллуд топди. Отаси Мустафобей Кавказ ва Кримнинг генерал-губернатори князь Воронцовга таржимон бўлиб ишлаган, садокатли хизмати учун 1853 йилда поручик унвонига

Муаллиф:
12.02.2014 07:57 -

мушарраф бўлган, дворян мартабасига кўтарилиган. Лекин кўп ўтмай, Крим уруши бошланади. Оила Бокчасаройга кўчиб келади. Ёш Исмоилнинг тарбиясида онаси Фотима ва энагаси Хабибанинг хизматлари катта бўлди.

Исмоилни 8 ёшида Бокчасаройлик Хожи Исмоилнинг эски мактаби га берадилар. 10 га кирганда эса отаси Мустафобек онаси Фотиманинг эътиrozларига карамасдан, Окмачит-Симферополдаги губерния гимназиясига олиб боради. Унда икки йил ўкигач, Воронеж (Ёл Кермон)даги офицерлар харбий ўкув юртига ўтади. Ўн уч ёшида Москвадаги Милютин гимназиясига ўкишини кўчиради. Шу йиллари айрим рус зиёлиларида авж олган буюк рус миллатчилиги Милютин гимназиясига хам кириб келган эди. Хусусан, гимназия мураббийларидан ёзувчи М.Катковнинг панславистик карашлари ёш Исмоилбекда ўзликинг англаш хиссини уйготди. Унинг хатто Критда юонлар билан уруш олиб бораётган турк кўшинига кўнгилли бўлиб кўшилиш учун синфдош дўсти ливвалик Мустафо Давидович билан Истанбулга отлангани, Одесса бандаргоҳида кўлга олиниб, оркасига кайтарилигани маълум. Хуллас, 1868 йилда Исмоилбек Гаспрали Москвадаги ўкишини битириб, Бокчасаройга кайтади. “Занжирли” мадрасасида рус тилидан дарс бера бошлайди. Д. И. Писарев, Н. Г. Чернишевский асарлари билан якиндан танишади. ўкиш-ўрганиш иштиёки уни 1872 йилда Францияга бошлаб келади. Вена, Мюнхен, Штутгардтда бўлади. Парижда И.С.Тургенев билан учрашади. Унга ассистент-котиб бўлиб ишга киради. Французчани мукаммал эгаллайди. “Эълонлар” идорасида таржимонлик килади. Машхур Сорбонна университетига ўкишга катнайди. Нихоят, 1876 йилда Бокчасаройга кайтиб келади ва “Занжирли” да рус тили муаллими сифатида ишни давом эттиради. Шу йили уйланади. Бирок улар узок яшай олмайдилар, ажраб кетадилар. Исмоилбек мутолаага берилади. Кунт ва сабот билан туркий тилни, тарих ва адабиётни ўрганади. Айни пайтда у шаркона анъанавий тахсилнинг замондан оркада колганини, шу туфайли мусулмонларимиз жаҳон тараккиётидан четга сурилиб чикаётганлигини кўради.

Нима килмок керак? Милютин гимназиясидаги ўқитиш усулини, Сорбоннадаги кўрганларини мусулмон мактабларига кўчирса бўлмасмикин? Хар бир мактаб, мадраса ўз низом-дастурига эга бўлмоги лозим. Диний билимлар каторида дунёвий фанлар хам кенг ўқитилиши керак. Бу, масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, ўкишни назорат килиш шакллари, билимни баҳолаш мезонлари бўлиши лозим. Умр дегани, ахир, хисобли-ку. Бирок бу гаплар ўртага тушар-тушмас, Гаспринскийга тош отиш бошланди. Уни кофиридан олиб, кофирга солдилар. Тахдид, дўй-пўписа кучайиб борди. Исмоилбек ён беришга мажбур бўлди. Ишни ўзгартирди. Шахар бошлиги вазифасига (1848-1884) сайланиб, Бокчасаройни обод килишга киришди. 1882 йилда машхур Козон татарларидан миллионер Акчууриннинг кизи Зухрахонимга уйланди. Улар йигирма йил баҳтли турмуш килдилар. Олти фарзанд тарбия этдилар. “Улардан Дилорахоним ва Исмоил сог-саломатлар. Тошкентда яшайдилар”, деб хабар берган эди “Йилдиз” журнали, 1990 йилда.

И.Гаспринский шахар бошлиги (городской голова) бўлиб узок кололмади. Шахар Думаси аъзолари Исмоилбекни шахар пулинин “кўчаларни ёритиш, ахолига тиббий ёрдамни кучайтириш” каби аллакандай “фойдасиз” ишларга сарф этаётганини кечира олмадилар. Истеъфога чикишга мажбур этдилар.

Тошкентлик шоир Тавалло бир шеърида “Хаволансин, гизолансин, билинг, бу бир хумо,

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

миллат!....” деб ёзади. Ундаги мантиқ шундай: миллатнинг равнаки учун, биринчи навбатда, акл ва гайрат керак. Гайрат эса иштиёқдан, меҳр-мухаббатдан тугилади. Акл ва гайрат ишончни, ишонч харакатни юзага келтиради. Миллат унга мансуб хар бир кишининг жони-жахони, баҳти-саодати. Бинобарин, хумо куши. У кўкларга парвоз этмоги лозим. Бунинг учун унга рух керак, мадад керак.

“Тамаддунда асар йўқ, зиллату вахшат фаровондур”, -дейди кескин Мухаммад Ходи.

“Тамаддун” - маданиятнинг этагини тутмагунча, ўзгариш бўлмайди. Аниги - шу. Лекин мана шу ўй-мулоҳазаларнинг ўртага тушишининг ўзи хам силжиш. Шунинг учун хам ўттиз йил кетди. Тавалло ва Мухаммад Ходининг шеърлари 10-йилларда ёзилган. Гаспринский бу ҳақда 70-йилларнинг охирида катъий хуносага келган. 1879 йилда газета чикариш учун харакат килиши шундай 1881 йилги “Русия мусулмонлиги” китобида Исмоилбек буни атрофлича асослаб берган эди. Жумладан, унда кўтарилиган энг муҳим масалалардан бири Русиянинг ўз мусулмон фукароларига муносабати масаласи эди.

Русия мусулмонлиги

Ўрта Осиё ва Русия муносабатларига оид деярли хамма тадқикотларда бир кўчирма китобдан китобга кўчиб юради: “Русия Шаркка нисбатан прогрессив роль ўйнади... Русиянинг хукмронлиги Кора денгиз ва Каспий денгизлари хамда Марказий Осиё учун маданийлаштирувчилик ролини ўйнади”. Унинг асли сал бошқачарок. Майли, гап хозир унинг кай даражада аник берилганлигига эмас. Чамаси, Ўрта Осиё муносабатлари кенг муҳокама килинган ва юкоридаги нуктаи назар кенг ёйилган.

“Сўнгги йилларда Русиянинг Шаркдаги буюк маданийлаштирувчилик хизмати хакида тез-тез ўқишга ва эштишга тўғри келмокда, - деб ёзади Гаспринский “Русия мусулмонлиги” асарида. - Хўш, бу хизмат нимада намоён бўлиши керак? Нахотки, унинг маъноси козини уезд бошлигига, ноибни приставга, беклини областу губернияга, ушрни тан солиги-ю яна бошка “бер-бер”ларга, ипак тўну бешметни дворянлик ёқасига алмаштириб кўйишдан иборат бўлиб, бошка килинадиган иш колмаган бўлса?”

Гаспринский “Россиянинг Шаркдаги маданийлаштирувчилик роли”га мана шундай танкидий карайди ва у саволга салбий жавоб беради. Уни аксинча, атайин илм-маърифатдан узокда саклаб келаётганикда, мусулмонларнинг тилини, динини, турмуш тарзини бузишда айблайди. Буларнинг хаммасини аник далиллар, мисоллар билан кўрсатиб беради. Аслини олганда, буни рус маъмурларининг ўзлари хам кўп-да яширмайдилар. Одесса генерал-губернатори X.X Рооп бир муносабат билан Бокчасаройга келган эди. Гаспринскийга унга таржимонлик килишга тўғри келди. Бош мадрасага -“Занжирили”га бордилар. Генерал-губернаторнинг ўзи хам бу ердаги ахволдан хайратда колди. “Жаноблар, бизим давримизда маҳбусларнинг, жиноятчиларнинг яшаш шароити сизнинг болаларингиз ўқийдиган шароитдан яхшидир”, -деди. Буни бир гурух шовинистлар тан олмайдилар, холос.

Бир томондан миллатни маҳв этиб келаётган жаҳолат, иккинчи ёқда чор хукуматининг изчил, режали руслаштириш сиёсати. Русиядаги мусулмонларнинг такдири кандай

бўларкин?

Польшада руслаштириш сўнгги 20 йилда кизгин паллага кирди. “Познандай шахар шундай киска муддатда немислаштирилди-ку, бизнинг кўлимииздан бундай иш келмайдими? демокдалар. Умуман олганда эса, катта миллатларнинг кичкиналарини ном-нишон колдирмай ютиб юборгани бўлган. Британиядаги англо-сакслар чатишмасини олинг. Араблар-чи? Шимолий Африканинг тубжой халкини босиб олиб, “хазм килиб” юбормадиларми?

Русияда “гайрижинс” саналган, лекин нуфусига кўра иккинчи ўринда турувчи, асосан туркий кавмларни ташкил этувчи мусулмонларнинг ахволи яхши эмас. “утмишнинг хароб, яримвайрон холга тушган обидалари ва уларда сакланиб колган ёзувчилар, чанг босган китобларгина бир вактлар татарлар хам фасоҳат билан ёзиш ва сўзлаш, тафаккур талаб килувчи нарсалар хакида ўйлай олиш, хофиздаги санъату Шайх Саъдийдаги инсонийликни, Ибн Сино ва бошка араб, форс адиблари, файласуфларидағи фикрнинг ёвкур шиддатини англаш кобилиятига эга бўлганликларига гувохлик берадилар”. Рус хукумронлиги мусулмонларни тараккиётга, маданиятга олиб бораётган йўқ. Аксинча, саводлилик 50-60 фойизгача борувчи татарлардаги мактаб-маориф сўнишга юз тутди. Якинда эса Москва остоналаридан Тошкентгача, Пермдан Ленкорангача бўлган, мусулмонлар яшаб турган жойларда уларни зўрлаб православ динига ўtkазилаётгани хакида гап таркалди. Бошкird ерларини русларга арzon-гаров улашилаётгани, Туркистоннинг серхосил тупрокларидан маҳаллий ахоли кувиб чиқарилиб, казакларнинг жойлаштирилаётганини эса маъмурларнинг ўзлари хам яширмаяптилар.

Тўгри, Руснинг ўзи хам истибдодни хўб кўрди. Бу ўринда кўпинча, мўгул-татар боскинини мисол келтиришни хуш кўрадилар. Лекин инсоф билан айтганда, “унинг ўрнида шундай куч-кудратга эга бошка бир кавм шунча муддат хукмронлик килганида, Русни тамомила йўқ этиб юбориши мумкин эди...“ Нима килдилар? Олик-соликларини олдилар. Кизларга кўз олайтирдилар. Бирок дин-диёнатларида даҳл этмадилар. Хозирда мусулмон хаётига нисбатан бундай деб бўлмайди. Гарчанд биз, мусулмонлар, яъни “гайрижинслар” конун олдида руслар билан teng, деб эълон килинган бўлсак-да, амалда иш тамом бошка. Бу кетишда мусулмоннинг мусулмончилигини саклаб колиши кийин. Окибат нима бўларкин?

Шунча шахарлар бунёд этган, фан ва маданиятнинг ўнлаб дохийларини, харбу зарбнинг оламжахон валломатларини дунёга берган бу миллат нахотки, сувга тушган тошдек зим-зиё кетса?!..

Бу дардли ўйлар Исмоилбекга тинчлик бермайди. Маҳаллий “Таврида” газетасида кетма-кет маколалар эълон килади. Улар ўша 1881 йилнинг ўзида алохида рисола бўлиб босилди. Бу рус тилида ёзилган “Русия мусулмонлиги” номли асар эди. “Русия мусулмонлиги” хажман катта эмас, икки босма тобок атрофидаги ихчам бир рисола. Лекин унинг ахамияти жуда катта. У Русияда яшовчи мусулмонларни шу мамлакатнинг тенгхукукли фукароларида айлантириш ва айни пайтда уларнинг ўз миллий, диний жихатларини саклаб колишига каратилган дастурдир.

Хўш, хоким ва тобеъ миллатнинг-руслар ва мусулмонларнинг ўзаро муносабатлари кандай асосларда курилмоги лозим? “Руслар ва рус мусулмонлари бир заминда, бир конун остида тасодифий хамроҳлар, пешонага битган кўшнилар сингари яшайдиларми ёки улуг, муazzзам ватанимиз халкларининг буюк оиласида фарзандлар мисоли ўзаро

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

кардошлик алоказарини йўлга кўядиларми?” Нима бўлганда хам давлат мустахкам, мамлакат осойишта бўлмоги керак. Пировард максад-шу. Муносабатларга келганда, хал килишнинг икки йўли бор.

1. Руслаштириш оркали миллатлар бирлиги-хамкорлигига эришиш.
2. Тобеъ миллатни маънавий-рухий такомиллаштириш-етказиш оркали хамфикрилийка эришиш. Биринчиси-

Польшада ўтказилаётган йўл. Иккинчиси-Финляндияда.

Ассимилиция сиёсати, канчалар назокат билан олиб борилмасин, зўравонликка, иккинчи бир халкнинг конуний хукукикини чеклашга олиб борадики, шунинг ўзиёқ хар -кандай кишининг ундан ихлосини кайтаради. Энг тўгри йўл иккинчи йўлдир. Хаёт осойишта, хатто бир кадар фаровон Америкада, Швейцария, Австро-Венгрияда биз иккинчи холни кўриб турибмиз.

Хўш, тобеъ миллатнинг, хусусан, мусулмонларнинг маънавий камолотини кандай таъмин этиш мумкин?

Мусулмонлар жамоа-жамоа бўлиб яшайдилар. Хар бир жамоа ўзига хос жажжи бир давлат, ўз конун-коидаси, урф-удуми бор. Булар бари ислом рухи, тартиботи билан бoggланган. Каттага хурмат, кичикка шафкат-акида. Хаммаси учун асос-Куръон. Бунда табака йўк. Аллохнинг олдида барча тенг.

Хар бир жамоанинг ўз мактаби, мачити бор. Бир неча жамоада муштарак жомеъ масжиди. Сўнг мусулмоннинг хам олий мактаби, хам академияси хисобланадиган-мадраса. Мусулмон жамоаси учун 10-20 оила кифоя. Уни тақдир, кайга элтиб ташламасин, мазкур тартиблар асосида бирлаша олади. Чунки мусулмончилик бу эътиқодгина эмас, турмуш хамдир. Шу сабаб, уни “ютиб юбориш” хаддан ташкари кийин. Бир вактлар Литва княzlари татар суворийларини харбий юришлари, шахсий муҳофазалари учун ёллаганлар. Ўтган йили уларнинг авлодларини кўрдим. Номлари, тиллари ўзгариб кетган, лекин хали хам мусулмонликни ушлаб келадилар. Ишондимки, мусулмонликни йўкотиб бўлмайди, дейди Гаспринский.

Уни йўкотиш учун зулм ва кийин-кистовларни, чеклашни хаддан ошириш керак бўлади. Бирок шунда хам максадга эришиб бўлмайди. Расм-тартиблар оиласа, уйларга кўчиб киради ва хар кандай назоратдан четта чикади. Курашиш деярли мумкин бўлмай колади. Мабодо, шунда хам фалокат босиб, мусулмончиликни бирор жамоадан кувиб чикаришга эришилса, яъни уни бузишга муваффак бўлинса, у еерда ахлоксизлик, моддий-маънавий таназзул авж олади. Демак, ягона йўл мусулмонларни тенглик, озодлик, фан ва маориф заминида маънавий такомиллаштиришга ва у оркали руслар билан бирлашишига эришиш. Бу Гаспринский келган биринчи хулоса эди. Бу маънавий такомиллаштириш мусулмонларнинг ўз тиллари, ўкув воситалари оркали амалга оширилмоги лозим. Рус мактабларида ўкиб, рус фани, адабиёти, матбуоти оркали камол топувчи мусулмонлар бармок билан санокли даражададир. Рус-тузем, рус-татар мактаблари деб аталган ва гайрируслар учун мўлжалланган мактаблардан бирор натижа чикиши мушкул.

Исмоилбекнинг ўзи бир вактлар шундай мактабларнинг ашаддий таргиботчиларидан эди. 6-7 йиллик тажрибадан сўнг ташлаб кетди. Симферополдаги татар ўқитувчилар семинарияси хам хеч бир самара бермаётир. Шуларга кетаётган вакт ва харажат ушбу керакли билимларни мусулмон болаларининг ўз тилида ўрганишига сарфланганида самараси тамом бошкacha бўлур эди.

Муаллиф:
12.02.2014 07:57 -

Ахир, кўзи бўглик одам атрофдагиларнинг кимлигини билмаса, улар билан кандай якинлашиб кета олади? Хатто рус бошлангич таълими асли ўзаги бир Малороссияда натижга бермаган бир пайтда, уни кандай килиб татарларга кўллаш мумкин? Сиз рус мактаблариға тарбия ва маориф учун немис тилини жорий килиб кўринг-чи, нима бўларкин. Энг сара ўқитувчиларни, энг кейинги воситаларни сафарбар килганингизда хам кутилган натижага эриша олмайсиз. Рус тилининг ўрни эса “гайрижинс” мусулмон мактабларида бундан хам ахамиятсизроқдир.

Масаланинг яна бир нозик томони бор.

Хар бир мусулмон эътиқод ва турмуш такозосига кўра тўгри, халол. У маърифатли бўлгани сайнин бу хусусиятлари кучайиб боради. Лекин тақдир такозоси билан у ёки бу чет тилини у ёки бу даражада ўзлаштирган айрим мусулмонларимиз етарли илмий заминга эга бўлмай, европачиликнинг зохирий томонларини илиб оладилар-да, умрларини зоёв кеткизадилар. Булар ўз кавмларининг яхши сифатларини йўкотиб, ўзгаларнинг иллатини ўзлаштирган кишилардир. Улар, кўпинча, ёшликларида “ишкбоз”лик билан машгул бўлиб, кексайганда ўз гуноҳларини ювиш учун хаётдаги хар бир янгиликка, маърифат ва тараккиётга карши оёқ тираб туриб олувчи олчок, юзсиз кишилардир. Исмоилбек мусулмонларнинг бундай хилини рус мусулмонлари орасида хам, араблар, турклар орасида хам жуда кўп кўрди...

Маърифатни тил эмас, билим беради. Рус мусулмонларининг хаётини рус тили эмас, энг осон, энг таъсиран виситалар билан ўзлаштириладиган илм-фангина ўзгартириши мумкин. Ва бунда асосий висита, Исмоилбек фикрича, анъанавий мактаб, мадраса бўлмоги керак. Бошлангич мактаб хар бир мусулмон жамоасида бор. Мадраса хам етарлик. Эътибори хали хам баланд. Замонлар бўлганки, мусулмонлар ўз мадрааларида илми хандаса каби ўнлаб зарурий фанларни ўрганганлар. Уларда жаҳоний олимлар мударрислик килганлар. Уларнинг тор, икки каватлик хужралари илм-фан оламининг канчадан-канча кашфиётлариға гувоҳ бўлган.

Кани ўша мадрасалар?

Мадрасалар бор. Илгариғи фан, гайрат, энг муҳими рагбат йўқ. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Шулардан бири анъанавий мактаб-мадрасаларнинг иктиносидий заминдан узилганлиги-чор хукумати томонидан вакф ерларининг олиб кўйилганлигидир. Хуллас, хозирги мадрасалар илмхона эмас, корихона. Максад хам, усул хам корилик, кўр корилик. Унинг зах хужраларида 15-20 йилда олинадиган билимни замонавий ўкув юртларида 3-4 йилда эгаллаш мумкин. Инсоннинг умри шу кадар кадрсизми? Дарвокеъ, мадарасаларнинг ночор савиаси хакидаги кескин гапни 30 йил бурун Шихобиддин Маржоний айтган эди. “Таржимон”ни чикаришга 4 йил деганда зўр-базўр рухсат олиб, унинг дастур-йўналиши хусусида шахарма-шахар кезиб, сухбат ўтказиб юрганида унга самимий кўл узатганлардан, чин дилдан кўллаб-кувватлаганлардан бири хам мана шу машхур тарихчи бўлди.

Мадрасаларни янгилаш керак.

Агар руслар ўз мусулмонлари учун даврида илм-фаннынг канчадан-канча яловбардорларини етказган шонли мадрасаларини рус заминида кайта тиклаганларида эди, ватан ва инсоният олдида буюк хизмат килган бўлур эдилар:

Аслида буни килиш у кадар кийин эмас. Бутунроссия бўйича 9-10 мадраса, масалан, Козон, Уфа, Оренбург, Астрахан, Тошкент, Самарканд, Баку, Нуҳа, Бокчасарой каби мусулмон марказларида ислоҳ килинса, кифоя. Уларни янгилаш, моҳиятсан, бу мадрасага табиий фанларнинг маҳаллий тилдаги киска курсларини киритиш, тарбия асослари ва муҳтасар рус конунчилигини ўқитишидир. Муаллимларни университетларнинг факультетларини, Лазарев шарқ тиллари институтини тугатганлар орасидан танлаб олиш мумкин. Бундай ислоҳот хар бир мадрасага кўпи билан 7-8 минг сўмга тушар. Борингки, хар йили ўнта мадрасага юз минг сўм кетсин. Буни хеч бўлмаса, мусулмонларимиздан иона тўплаб хам йигиш мумкин. Бу ишлар амалга ошгудай бўлса, 10-15 йил ичидан маорифимизни тубдан ўзгартиш, кайта куриб олиш мумкин бўлур эди. “Мусулмонларга Русияни, унинг хаётини ва конунларини ўрганмокка имкон беринг, уларга тор дунёкарашларини янгилашга, жонлантирувчи билимга эга бўлишга имкон беринг. Улар учун янги гояларга ва принципларга киришиш жараёнини енгиллаштиринг, ва сиз, ухлаб келаётган оғирбош, мудрок мусулмон бандасининг накадар тез жонланиб, ўзлигини инкишоф этиб, рус тафаккури ва хаётига тез аралashiб кетишини кўрасиз. Бунинг учун кўп нарса керак эмас. Лекин унга факат тўгрилик, софдиллик билангина, мусулмонларнинг ўз тилларига, ўқитув воситаларига мурожаат этув йўли билангина эришиш мумкин”.

Шундай килингудек бўлса, рус тили ва фанига путур етадими? Ватан маърифати, умуминсоний маданият ютмайдими? Канчадан-канча англашилмовчиликларнинг, баҳтсизликларнинг олди олинмайдими? “Эҳтимол, рус мужиги хам хеч нарса ўқимайди, хеч бало билмайди, яшаяпти-ку!” деб менга эътиroz билдиришлари мумкин,-ёзади Гаспринский. -Биринчидан, у жуда ёмон яшайди, хеч нарса ўқимаганлиги учун бошида минг бир бало; иккинчидан, нима бўлганида хам, биргина келиб чикишининг ўзи, тарихий анъаналари уни рус хаётига, тартибларига турмуш ва карашлари тамом бошкacha мусулмонга караганда якин килиб кўяди”.

Бу китоб босилиб чикиши билан великорус шовинистларининг каттик каршилигига дуч келди. Айникса, мусулмонларнинг мактаб-маорифини миллий асосларда куришлари лозимлиги-миллий мактаб хакидаги фикрлар ёкмади.

Буни у биларди. Москвада Милютин гимназиясида ўқиб юрган пайтлари ўриспарастлиги билан донг козонган М.Н.Катков билан бу масалада кўп тўкнашган эди. Унинг мухаррирлигига чиккан “Московские ведомости” газетаси билан “Русский вестник” журналини мунтазам ўқиб борар эди. Унинг нуктаи назари Тошкентда Н.Остроумов ва М.Муропиев, Козонда Н.Ильминский билан айни бир хилда эканлигини яхши биларди. Н. Ильминский турк-татар халкининг мактаб-маорифига даҳлдор хар бир илгари силжиши рус халкига карши харакат деб билади. Синоднинг обер-прокурори К.П.Победоносцевга ёзган бир хатида очикдан-очик “Русиядаги мусулмон халкларига биронта хам ижтимоий сиёсий хукук бермаслик керак”, дейди. Дарвокеъ, туркий халклар алфавити билан кўпдан шугулланиб келаётган турк профессори А.Эржиласин

Муаллиф:
12.02.2014 07:57 -

Гаспринский анжуманидаги 1991 маърузасида глати бир фактни келтирган эди. Маълум бўлишича, Н.Ильминский 1876 йилда туркий халкларга рус алфавитини жорий килиш таклифи билан чиккан экан. Унинг фикрича, хар бир турк кавмининг ўз тилига ва алфавитига эга бўлишига эришиш лозим. Шунда уларни ажратиш осон кечади. Бу гоя инкилобдан сўнг режали, боскичма-боскич амалга оширилди. “Йилдиз” журналининг 1989-1991 йил сонларида эълон килинган С.Гафаров монографиясида хам бу хакда кизикарли материаллар келтирилган.

Исмоилбек Русия коидаларини синчиклаб ўрганди. 1882 йилда “Солномаи туркий”, “Миръоти жадид” номларида 2 рисола эълон килди. “Рус мусулмонлиги” асарида кўтариб чиккан масалаларни амалга оширишни матбуотдан бошлади.

«Таржимон» зарурати

Вазиятни ўзгартириш учун уни олдин англатиш керак. Бунинг учун эса минбар зарур. “Таржимон” мана шундай зарурат туфайли юзага келди: “Бир бечора факирни кўрсак, ачинамиз. Ўлаётган бечорани кўрсак, юрагимиз изтиробдан огрийди. Хатто бир хайвоннинг кийналиши раҳмимизни келтиради. Лекин бир эмас, минглаб кишиларнинг, бутун бир халкнинг жаҳолатдан мислсиз кийналаётганини кўрмаймиз....”

Газетанинг дастлабки сонларидан бирида шундай сўзлар бор эди.

Бу жасоратли садо ўша пайтлари жуда хам зарур эди.

Руслаштириш авжида. Итил-Волга бўйидаги татарлар орасидан бирор мансабдор у ёқда турсин, мачитга имом хам миссионер. Н.Ильминский руҳсатисиз сайланмайди.

Мактаб-мадраса китоблари-ку бирма-бир кўлдан ўтади. Туркистонда-Остроумов тўра. Кавказнинг хам ўз тўралари бор, албатта. Бу тўралар ўз миллатларидан бошкасини миллат деб хисобламайдилар. Н.Ильминскийнинг кейинги чиранишларини каранг. У очикдан-очик Русияда хеч кандай турк-татар халки йўқ, унда-бунда тўп-тўп кабилалари учраб, колади, уларни хеч бир миллатга мансуб деб бўлмайди, деб чикди. Обер-прокурор К.П.Победоносцевга, “Таржимон” мусулмон гояларини Европа маорифи билан безамокчи, Русиядаги турли кабилалар, хилма-хил тилли миллион-миллион мусулмонларни бир миллат килиб бирлаштиrmокда, Русиядаги барча мусулмонлар учун умумий туркий тил асосида ягона бир тил ясамокчи, деб шикоят килди.

Гаспринский 1905 йилда ўз газетасида “Зўрлик билан руслаштириш назарияси” (23-сон) деган макола бостирган эди. Бу маколада унинг фикри катъий. Рус халки билан рус хукуматини бир-биридан фарқлаш керак. Рус халки бизни хеч качон “гайрижинс” санамайди. Буни рус “папазлари”, чор маъмурлари тўкиб чикарган...

Шунингдек, таъсир хакида хам гапирилгудек бўлса, бир томонлама эмас, ўзаро таъсир хакида сўзламок керак. Агар хозирда хаётимизга, фикрларимизга рус таъсири бўлаётган бўлса, ўтмишда Русия биздан кўп нарса олди... Умуман олганда эса, хар бир халкдаги сингари русларда хам талай фазилатлар бор. Масалан, “рус кишиси ўзининг хар нарсани, хар хил кишини бирлаштиришдаги сабри-чидами билан кучли ва улуг”. Лекин хар бир миллат ўз йўли билан тараккий топмоги керак. Бу хусусда бахсга ўрин йўк.

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган хусусиятларидан бири тил ва маорифдир. Бу иккиси бўлмаса, миллат мустакил бўла олмайди. Гаспринский 1905 йилда ёзган маколаларидан бирида миллатнинг асоси иккита: тавхиди тил (тил бирлиги) ва тавхиди дин (дин бирлиги) деган эди. Дарҳакикат, тилнинг ўрни бекиёс: “Инсоннинг оти бўлмаса, ўзи хам йўқ демакдир, шунингдек тили бўлмаган инсон хам соковдир”.

“Тил бирлиги масаласи бизим хаётимизда хаёт-мамот масаласидир, ва биз бу масалада бир кадам хам оркага чекинмаймиз,-ёзади И.Гаспринский 1906 йил 18 декабрда. Биз учун оркага чекинмокка йўл йўқ. Яшасин миллат! “Тил бирлиги!”, “муштарак тил ва адабиёт” зарурлиги мутлако аён бўлди. Русиядаги турк-татарлар ўз учрашувларида, мажлисларида умумий туркий тилда сўйлашаяжаклар, хужжатлар, ёзишмалар умумий тилда олиб борилажак. Бу йил адабиётчилардан, ёзувчи ва публицистлардан ўндан тўккизи умумий туркий тилда сўзлашиб, ёзиб келди. Бу йил жойларда йигирмадан ортик янги газета пайдо бўлишига карамасдан, “Таржимон”нинг обуначилари сони камаймади. Баъзи жойларда хатто ортди. Бу умумий тил бирлигининг натижасидир.

“Таржимон” умумий бир миллий газетадир. Унинг тили хам умумий бир миллий тилдир. Яшасин миллат! гам яшар, чунки у тилда ва фикрда бирликнинг зарурлигини англади. Тил бирлиги эса адабиёт бирлигидир. Бу эса ўз навбатида меҳнат ва харакат бирлигининг асоси ўларок миллатнинг озодлигини таъмин этажакдир”.

Тил миллатнинг жонли, харакатдаги тарихидир. Унинг кечмиши хам, хозири хам тилда ифода этади. Миллатнинг барҳаётлигига энг мухим гувоҳ тилдир. Тил миллат учун хаёт-мамот масаласидир. Гаспринский ўз маколаларидан бирини “Тил масаласи-энг мухим масала” деб номлаган эди.

Туркий халкларнинг муштарак тили хакидаги гаплар 1905 йил вокеларидан кейин, ок подшо ён беришга мажбур бўлгач, эркинрок айтила бошланди. Хатто айрим ишлар хам килинди. 1906 йил Гаспринский айтганидек, “тил или” бўлди. Жумладан, 1906 йил Нижний Новгородда Русия мусулмонларининг 600-700 вакили иштирок этган йигилишида умумий адабий тил масаласи ўртага кўйилди. Уни аста-секин шакллантириш ва амалиётга кўйиш хакида карор кабул килинди. Бу карор ўша муштарак адабий тилда алоҳида рисола бўлиб босилиб хам чиқди Ниҳоят, 1907 йилда Русия давлат маориф инспекцияси мамлакатдаги мусулмонларнинг ўз она тилларида ўкув-ёзувни олиб боришлари мумкинлиги хакида карор кабул килди. Бирок бу маҳсус карор мусулмон болаларини ўз она тилида ўқитишни факат ерли шевасида олиб бориш зарурлигини ўқдирди.

Гаспринский шундан чўчиган эди. У бу карорни мутлако нотўгри, хатто жиноят деб хисоблади:

“Маориф инспекциясининг бу ишини биз бутунлай хато деб биламиз, чунки халкнинг она тили бу миллатнинг адабий тилидир. Агар бизим кадимиадеб тилимизнинг бир халкаси Алишер Навоий тили бўлса, турли шевалардан таркиб топган янги замонавий тилимиз унинг иккинчи халкасидир”.

“Таржимон”нинг 1908 йил 13-сонида босилган “Тил ва маъсулият” маколасида яна шу масалага кайтиб, ўз фикрини атрофлича асослайди. Чиндан хам Русиянинг турли жойларида истикомат килувчи туркий халкларнинг тиллари, тўғрироги, шевалари бир-биридан фарқ килади. Хўш, бу фарқ русларда йўкми? Вятка мужикларининг тили Ярославль хунармандлариникидан, Тулалиларники Курск, Смоленск ерлилариникидан канчалик фарқ килади! Араблар-чи? Гоҳо улар орасидаги фарклар бир-бирларини

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

тушунмаслик даражасига боради-ку? Нима учун Ломоносов, Жуковский, Пушкин, Тургенев каби адиллар, мутафаккирлар ягона адабий тил учун умр бўйи курашдилар?! Нима учун арабнинг кўзга кўринган олим-фозили бор-ки, тил бирлигини тилдан кўймайди?! Немислар нега умумий тил устида бу кадар жон куйдирадилар?!

Тўгри, ягона адабий тил миллий адабиёт билан бирга майдонга келади. Лекин уни шакллантириш учун биргина адабиёт ахлининг эмас, бутун миллатнинг биринчи навбатда, зиёлиларнинг гайрат ва рагбати керак.

Бу ерда хам ишни маорифдан бошламок зарур. Боланинг илк саводи майли, шевада чиксин, лекин иккинчи-учинчи йилданок ўкишлар умумий ягона тилда кетмоги лозим. Бу дегани дунёнинг ташвишларини кўзда тутган, лекин ўз она тилимизда, миллий рухимизда бўлган ўрта ва олий мактаблар илмий, маданий муассасалар, турли-туман мутахассислар, хуллас, нимаики миллатнинг иктисодий, сиёсий ва миллий мустакиллигини таъмин этадиган бўлса, хаммаси керак. Буларсиз миллат озод бўла олмайди.

Хўш, бизга хозир она тилида ўрта ва олий мактаблар очишга рухсат берилса, биз бунга тайёрмизми, деган авол кўяди Исмоилбек Гаспринский ва “йўк!” деб жавоб беради. Демак, биринчи вазифа, ёш, тараккийпарвар миллий зиёлилар тайёрламок, замин хозирламоқдир. Уни хеч ким килиб бермайди. ўзимиз килишимиз керак:

“Бугундан бошлаб умумий тил устида кураша бошламок, мактаблар, учун дарсликлар, ўкув китоблари, лухатлар тайёрламок керак”, -деб ёзади Гаспринский “Таржимон”нинг 1907 йил 42-сонида босилган “Дўстларимга” номли мактубида.

Буларнинг хаммасини боши миллий онг, хусусан, миллий маориф бўлади.

Мамлакатимизда сонига кўра нисбатан озчиликни ташкил этувчи армани, гуржи, латишларни каранг, канчалар илгарилаб кетдилар. Финляндия ва Польша мустакилликни олишгача етди. Иктисоди хам жойида. Керакли нарсаси бор. Хаммаси миллий онгдан, миллий тил, адабиётдан.

У ўша 80-йилларнинг бошида Бокчасаройда кизлар учун маҳсус мактаб очган, уларнинг хаётини ёритувчи “Хотинлар дунёси” номли журнал чиқарган эди. Буюк маърифатчи инсониятнинг ярмини ташкил этган хотин-кизларга, биринчи навбатда, асрлар бўйи ичкарида келган мусулмон аёллар турмушини илм-фан билан ёритиш йўлида жуда катта иш олиб борди.

“Миллатнинг икки асоси бор: тил бирлиги, дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўкотиш учун шуларнинг биттаси бузилиши кифоя”, дейди Гаспринский. У Волгабўйи матбуотидан айрим жумлаларни мисол килиб келтирган эди: “Уч вороной от жеккан тройка шипко келедир”. Бу жумла кандай тилда бўлса бордир, лекин турк-татар тилида эмас”-деб изох берган эди Исмоилбек.

Дарҳакикат, миллатларнинг ўзини таниши, ўзини англаши, ўз аклича, ўз эркича, ўз феълича, ўз урфича яшашга уриниши миллатчилик эмас, бу табиий хол. Аксинча, шуларни писанд этмаслик-миллатчилик. Биз нима учун тарих иккига бўлиб ташлаган Вьетнамни, Яманни бир давлат бўлиб бирлашишини олкишладик? Нима учун икки Германиянинг бир бўлишига хайрихохлик билдиридик? Нима учун Солженициннинг рус, малорус, белорус миллатларининг ягона давлати бўлиши лозимлиги хакидаги фикрларини табиий кабул килдик?

Мехмет Сарой айтганидек, “Туркларнинг асли бир. Лекин замон ва макон ихтилофлари

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

улар орасида тафовутлар, шевалар пайдо килди". Уларни бир-бирига танитмок, ягона ва умумий тарихни англатмок факат миллий эмас, инсоний бурч хамдир. Бу гапни Исмоилбек 1907 йилги мусулмонларнинг жахон конгрессида изтироб билан айтган эди. Агар шуни амалга оширмасак, миллатнинг юзига карашга хаккимиз йўқ, деган эди. Иккинчидан, хар бир миллат ўзлигини кадрлай билиши керак. ўзлиги билан гурурлана олиши, ифтихор эта билиши лозим. Шундагина у тенглар аро teng бўла олади. Шундагина у "хаво" ва "гизо" олади. Мамлакатимизда кечётган бугунги жараёнлар бунга далил. Исмоилбек феноменининг энг мухим нуктларидан бирини, шубҳасиз, хар бир миллатнинг маориф маданиятини миллий заминда олиб бориш, миллий тил учун кураш ташкил килган эди. Биз хозир мана юз йилдан сўнг мана шу хакикат билан, мана шу зарурат билан юзма-юз келиб турибмиз. У туркий халклар учун ягона тил, имло масаласини кизгин химоя килиб чиккан эди. Тил бирлиги хакидаги фикри, эхтимол, эхтимолдан бироз узоклашгандир. ўтган вакт ўз тахририни киритгандир. Бирок ягона ёзув масаласи, ўйлаймизки, у кадар эскирган эмас.

Келажак хакида ўйлар

1885 йилда Истанбулдаги Абузиё матбаасида Исмоилбек Гаспралининг "Оврупо маданиятига бир бетарафона назар" деган кичкина рисоласи босилиб чиқди. Европа ўз тараккиётининг хадди аълосида турган, Европа турмуш тарзи дунёning барча мамлакатларига ўрнак ва тимсол тутилган бир пайтда Русиядай колок бир юртнинг кайси бир бурчагидаги бир мусулмон дунёning тараккийпарвар ахли орасидаги хукмрон нуктаи назарга эътиroz билдириди. Фан ва техникаси билан дунёни хайратга солган капиталистик Европани хам, жаннат ваъда этувчи социалистик Европани хам рад этди. Хар иккисида хам ахлоксизлик кўрди. Бугунги Европа маданияти кадим Рим цивилизацияси асосида майдонга келгандир. Кадим Рим салтанати эса маънавий ахлокий чириганлиги учун барбод бўлгандир. Бинобарин, "Румолилар асир этлари билан ховузларда бокилган баликларга тўймасдан кандай кулаган бўлсалар, уларнинг фарзандлари бўлган овруполилар хам бутун дунёning меваларига тўймайдилар", -деб ёзади Гаспрали.

Кадим Рим салтанати деганда бугунги ўкувчининг кўз ўнгига, биринчи навбатда, бир тўда тўраларнинг кўнглини очиш учун ўлим билан курашга чиккан гладиаторлар, машхур Спартак келади. XIX аср эса Европа колониализмининг гуллаган даври эди. Китоб чоп этилган 80-йилларда окподшонинг севимли генерали Скоблев олис Хуросоннинг Кўктепа калъасини конга ботириб, Марви шохжахонни ишгол этган эди. Румолиларнинг XIX асрдаги фарзандларининг бутун дунёning меваларига тўймасликлари шундан. Муаллиф фикрича, янги-XIX аср Европа маданияти билан кадим Рим маданияти мохиятан бир хил. Куроллар, усууллар, ўрнаклар ўзгарган холос, натижа ва самара эскича.

Рисолада асосий эътибор "янги дунё" маданиятининг маънавий-ахлокий жихатларига каратилади. Ворисийликка, оталар ва болалар масаласига тўхталади. Болаларнинг (социалистларнинг) ўз оталари (капиталистларни) рад этишларида катта маъно кўради. Айни пайтда болаларнинг адолат хакидаги тушунча ва фикрлари адолатсизликлар

билан тўла эканлигини очиб ташлайди. Унингча олдинги хар икки маданиятнинг асосий нуксони шундаки, уларда хакконият йўқ. Исломдаги хакконият йўқ. Хакконият дегани нима? Авлоний буни шундай тушунтиради:

“Хакконият деб ишда тўгрилик, сўзда ростликни айтилур...” Гаспрали барча инсонларнинг ўзаро муносабатлари бир асосга - фойда асосига курилганини таъкидлайди, лекин ишлаб чикириш воситаларини киши фаолиятини назорат килувчи ушр (ўндан бир микдордаги йиллик экин солиги), закот (кирқдан бир микдордаги йиллик мулк солиги) кабиларнинг инсон ва жамият хаётидаги фавқулодда назоратчилик ролини уқдиради. Шулар Оврупонинг хукук ва ахлокига асос килиб олинганида социалистик фикрларга имкон колмаслигини айтади. Шу тарика Европа илм-фан ислом ахлокининг хамкорлигига майдонга келадиган янги умуминсоний маданият масаласини кўтаради. Хўш, ислом маданияти кандай маданият? У нимани кўзда тутади? Оврупо маданияти шарҳидан кейин бунинг изохига хам зарурат тугилган кўринади. Хар холда Исмоилбекнинг шу номда бир китоби пайдо бўлди ва киска муддатда 2 марта чоп этилди. Маданият, унингча кишиларнинг турмуши, иш фаолияти, касб-хунарга муносабати билан белгиланади ва уларни тахминан 3 га бўлиш мумкин:

1. Нутксиз хайвон даражасинда ўлуб оиладан, никохдан, уй-жойдан, саноатдан, зироатдан мутлако хабарсиз бўлиб, ярим ёввойи холда тогларда маймунлар каби умр кечириб ва баъзи балик ва ов или гизоланурлар.
2. Саноатдан, тижоратдан, иморатсозликдан, хунардан бебахра бўлсалар хам оила ташкил этиб, фазоили никохдан хабардор бўлиб жинс-жинс кўшилишиб кирларда бугун бунда, эрта унда кўчиб юрадилар ва емишлари боккан моллари билан.
3. Саноат, зироат тижорат билан машгул бўлиб, хам оила, хам жамият, хам давлат ташкил этиш даражасига етишиб хунар, фунун, хукук, улум ва ахлок ошноси бўлгандирларки, улар овулларда, шахарларда истикомат этиб, низом асосида осойишталикда, омонликда, минг хил иш-куч, саноат, хунар, касб ва тижорат билан дунёда роҳатда яшаб келадилар.

Улардан биринчиси, шубҳасиз “ваҳший”, учинчиси “маданий”дир. Маданият халк ёхуд миллатнинг осойиш ва омонлигига, тирикчигига мутаносиб бўлади. У хеч качон ёлгиз бир миллатга ёхуд мамлакатга тегишли бўлиб килмайди. Турли сабаб ва шароитга кўра бирида озрок, иккинчисида кўпроқ ёхуд бунда бир, иккинчисида бошка жихати нисбатан фарқли ривожланиши мумкин. Бир вактлар Оврупо ундан бебахра колган эди, хозирда унинг Осиёдан ўсиб кетганлиги хаммага аён. Заминида Оврупо кийим нималигини билмай, мол терисига ўралиб юрган пайтларда. Осиё пахта-ипак матоларини танлаб киyrди. Хозирда Осиёли от-эшак, кайик билан ўн кунда юрадигдан йўлни Европа темир йўл ё пароходда бир кунда босиб ўтади. Бу маданият даражасининг самараси. Айни пайтда у бутун инсониятницидир.

Кимки бу йўлда хизмат килса, инсониятга хизмат килган бўлади. Шу жихатдан, мусулмон олами инсониятга нима берди? Умуман, унинг хизмати борми?

Исмоилбек шундай савол кўяди ва “Хам бордир, хам кўпдур” деб жавоб беради. Шундан сўнг 2 мухим масалага аниклик киритади.

1. Ислом маданиятининг биргина араб маданиятидан иборат эмаслиги. Оврупода кенг

таркалган бу фикрни муаллиф янглиш хисоблайди. Дархакикат у холда француз, инглиз, немис зиёлилари бунёд этган илм-фанни “лотин маданияти дейиш керак”, чунки улар шу тилда ёзилган. Ундей демаймиз ва тўгри киламиз. Ислом маданиятини хам ёлгиз араблар яратмадилар. Унда турк, форс, хинд ва бошка кавмларнинг хам улуши бор.

2. Ислом маданиятининг антик ва хозирги Оврупо маданияти билан ўзаро муносабати масаласи.

Инсониятнинг энг кадим маданияти, шубҳасиз, Миср ва Юнон маданиятидир. Хозирги баравж маданияти эса, Оврупо маданияти бўлиб турибди. Хўш, ислом маданиятининг ўрни каерда? Оврупо олимларининг кўпчилиги бугунги Оврупо маданияти кадим Миср-Юнон маданиятининг бевосита давомчиси дейдилар. “Ва лекин бу иддаолари янглишdir ва хатодир,-деб ёзади Исмоилбек.-Чунки Юнон маданияти охири или Оврупо маданияти бошина кадар кечмиш минг йил олам маданиятсизми колди? Оврупо маданиятни тўгри Юнондан олган бўлса, нима учун минг йил уни олмасдан кутиб ўтириди? Муаллифнинг атрофлича асослашича, юнон маданияти Овруподан олдин ислом дунёсига ёйилган ва мусулмонлар уни тараккий килдириб, нуксонларини озайтириб, Оврупога топширдилар. Аристотель, Платон каби ўнлаб машхур юнон олимлари асарларини Оврупога танитганлар мусулмонлар бўлади. Буни арб олимлари орасида эътироф этгувчилар йўқ эмас. Америкалик Драбер “Оврупо аклий тараккиёти тарихи” китобида “Оврупонинг бугунги улуг зиёси мусулмонлар ёккан шамъ ва чирокларнинг ёгдусидан майдонга келгандир” деб ёзган. Ояти карима ва пайгамбаримиз хадислари, сахобалар эътирофи исломият маданиятнинг асоси ва манбаи эканлигига далил эмасми?

Дархакикат, “Куръони карим”да “илм” сўзи 751 ўринда учрар экан...

Ислом оламидан узок юнон маданияти мусулмонлар хаётига кандай кириб келди?

Бу VIII асрдан Аббосий халифа Абу Жаъфар Абдуллоҳ Ал-Мансур замонидан бошланган. Илм-фанни севган бу халифа хинд олимларидан илми нужум ва хайъатни ўрганган. Юнонларда бу фанларнинг тараккий топғанлигини англаб, таржима килишни йўлга кўйган эди. Вокеа бундай бўлган эди: Аббосийлар замонида христианлар орасида “несторий”лар деган бир гурух пайдо бўлади. Булар 431 йилда Эфес ибодатхонасида дунёвий карашлари учун сазойи килиниб, юртдан бадарга килинган патриарх Несторнинг издошлари эдилар. Улар Эрон, Ўрта Осиё, Арабистон шахарларида дарбадар юрар эдилар. Абу Жаъфар буларни тўплаб, химоясига олиб, таржима ишларини бошлаб юборади. Киска муддатда Багдод, Шом илму хикмат хазиналарига айланади. Бу борада Хорун Ар-Рашид, Маънун каби халифалар катта химмат ва жасорат кўрсатадилар. Нихоят, булар ўз самарасини беради.

Исмоилбек ўз фикрларини далиллаш учун кўплаб мисоллар келтиради. Чунончи, механика илми даражасини кўрсатувчи шундай факт келтирилган. Хорун Ар-Рашид (763-809)нинг Франция хукмдори Буюк Карл (742-814)га юборган совгалари орасида занг чаладиган соат бўлиб, барча овруполиларни хайрат ва таажжубга солган. Абу Жаъфар юнон хукмдори билан инок эди. Афинадан беадад китоб олдириди. Маъмун даврида Птоломейнинг “Мажистий”и таржима килинди. (Яхё Ибн Холид Бармакий). Санад бин Али ва Холид бин Абдулмалик Марварудий астрономия бўйича янги

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

маълумотларни кўлга киритдилар. Ер куррасининг узунлик ва кенглик даражалари ўлчаб чикилди. Сайёрамиз харакатига доир З зиж тартиб килинди. Аббос бин Сайид Жўшарий ибн Исхок бин Касуф, Абдуллоҳ бин Сайид Ал-Фаргоний каби машхур олимлар юнонларнинг астрономияга доир кўплаб хатоларини аникладилар ва кўёш додлари, ой-кун тутилиши, думлик юлдузлар борасида бир канча кашфиётлар килинди... Оврупо хандаса (геометрия) илмини Хурасонли Абульвафонинг хижрий 5-аср бошида тузилган “Аз-зижи Шомил” ва “Мажистий” сидан ўрганди. Исмоилбек фикрича, бугунги телескоплар ўша замонларда кашф этилса эди, ислом уламоси “балки Оврупо уламосина илми хайъатда хеч бир иш колдурмаслар эди”.

Афсуски, XI асрдан замон нотинчилклари кучайиб борди. Бир томондан, газнавийлар, салжукийларнинг мулк дагдагаси, иккинчи томондан, Чингиз истилоси, учинчи томондан, Куддуси шариф учун бошаниб кетган “салиб юришлари” ислом оламини ларзага солиб, илму хунар йўлларини бузиб юборди. Лекин илм-маориф нури сўнмади, аксинча душманларга хам зиё бериб, мунавар килди. Мўгулларнинг катта кисми ислом маданиятини кабул этдилар, овруполилар эса юз йиллик салиб юришлари давомида канчадан-канча санъат ва хунарларни ўрганиб кайтдилар.

Ислом маданиятининг ўчоклари биргина Багдод, Шероз, Нишопур, Самарканд эмас эди. Бундай марказлар Африка, Испанияда, кўйингки, ислом оламининг деярли барча нукталарида бор эди ва хаммасида илм-фан ривож топди. Биргина Испания ва Африкада етишган ислом уламосининг кашфиётлари ва ёзган асарлари номларнинг ўзи, Исмоилбек гувохлик беришича “йигирма жилд” бўлади.

Муаллиф ислом маданиятининг мазмун ва кўлами хакида умумий маълумот бергач, “Улуми табиия”, “Конун ва низом”, “Таърих”, “Хикмат”, “Тиб”, “Адабиёт”, “Улуми риёзийя”, “Фани жуғрофия” каби боблар очиб, тасниф этади. Хар соҳанинг энг машхур намояндадарини тилга олади, асарларидан намуна келтиради, баҳолайди. Тасниф ва баҳо кўпинча Оврупо илм-фани билан таккослаб олиб борилади.

Чунончи, табиий фанлар борасида сўз юритганда, бир катор соҳаларда “хожа (муаллим)лари ўлан юнонийлардан кўб ўзуб кетган”ликларини, масалан, набототдан “юнон уламосина хеч маълум ўлмаян икки минг жинс наботот кашф ва тажруба этилгани”ни, Андалус подшохи 1-Абдураҳмон Куртабо шахри ёнида улкан Ботаника боги ташкил килиб, дунё ўсимликларини тўпламок учун Осиё ва Африканинг хар томонига маҳсус кишилар юборганини кайд этади. Шунингдек, ўсимлик-гиёҳларнинг чангланишини аниклаш, дори ва гиёҳларни шакарда кайнатиб саклаш, дорихоналар очиш “ислом хукуматининг маърифатлари”дан экан. Исмоилбек ер илми зироат асбоблари борасидаги ўнлаб кашфиётлар мусулмон оламидан олинганлиги Овруполи олимларнинг ўзлари томонидан кайд этилганини айтади. Оврупода бу кунда мавжуд ўлан наботот (ўсимлик) ва ашжор (дараҳт) ва чечакларинг кўписи Андалус мусулмонлариндан олинмишdir ва неча аср олдин ўрганилмишdir”, деб ёzáди.

“Тиб” бобида Хорун-Ар-Рашиднинг табиби Яхё бин Мискавейх тибиётга доир 30 жилд китоб ёзгани ва уларнинг арабий, иброний тилдаги нусхалари овруполилар кўлига тушгани, Аббосийлар даврида етишган Абу Бакр Ар-Розий илк бор чечак ва кизамикни эмлагани, икки юздан ортик китоб ёзгани, асарлари XVI асрда италян тилига таржима килингани, ундан 50 йил сўнг Эронда яшаган Али бин Аббос юноннийларнинг тибиётдаги кўплаб хатоларини кўрсатиб, 20 жилд китоб ёзгани, буюк Ибн Синонинг асарлари

асрлар давомида арбда дастури амалда келаётгани каби маълумотлар келтирилади. Ислом олами илмда янги-янги йўналишларни бошлаб берди.

“Конун ва низом” бобида шариат, мазхабларнинг жамиятдаги ўрни, Имоми аъзам Абу Ханифа, Имом Шофеъи, Имом Молик ва Имом Ханбалларнинг ислом маданияти тарихидаги хизматлари хакида гап кетади.

“Таърих ёзмая мусулмонлар хар миллатдан зиёда хидмат этмишлар, десак жеиздир”,-деб бошланади “Таърих” боби. Котиб Чалабий (1609-1658)

“Кашфуз-зуннун...”ида 1300 муаррих номини келтирган экан. Исмоилбек уларнинг энг машхурлари Абулфараж, Бурхониддин, Ибн Халдун, Масъудий кабилар хакида маълумот беради, уларнинг хаёти билан бодлик воеалардан хикоя килади. Табиий фанлардан “хисоб”, “хандаса”, “жабр”ни кайта яратганликлари, «фани маҳоикия» (машинасиозлик), “фани абсор” (“оптика”)га буюк хизмат килганликларини далиллайди. Шунингдек, Мухаммад Багдодийнинг ер сатхини ўлчаш ва харитасини тузиш борасида маҳсус китоб ёзганини маълум килади. Бугунги соатларимиздаги “соат” ва “дакика” таксимимоналари мусулмонлар хунари бўлиб, ўрта асрларда Абул Хасан Магрибийнинг китобида муфассал баён килинган экан. Машхур Умар Хайём ва Абдурахмон Ал-Харожийнинг “Санайи жалолия” ном олган йил хисоби Оврупо Рум (Григорян) календаридан бир неча аср илгари ва аник тузилган.

Жуғрофия-чи? Батлимус (Птоломей) “Жуғрофия”си Маъмун замонига келиб эскирди. Унинг амри билан маҳсус хайъат тузилиб мукаммал жуғрофия китоби-“Расм ал-арз” яратилди, олдингисига тузатишлар берилиб, хариталар илова этилди. Ва улар асрлар давомида Оврупода дастуриламал бўлдилар. Шоҳруҳ топшириги билан Абдураззок Самаркандий Хиндистон ва Хитой жуғрофиясини ўрганди: Мирзо Улугбек кўрсатмаси билан Али Кушчи ернинг кенглик даражасини, сатхини ўлчашда жуда катта ютукларни кўлга киритди.

Денгиз карталари мусулмонлар ихтироидир. 1497 йилда денгиз сафарига чикиб, кўплаб ороллар кашф этган Васко де Гаманинг арабча ёзилган бир денгиз харитасидан фойдаланганлиги маълум.

Исмоилбек айрим Оврупо олимларининг “турк халклари зехну салоҳиятдан нокис ва ожиз бўлганлигидан кора ва паст ишлардан бошкасига ярамайди” деган фикри билан бахсга киришади. Идрок-истеъдоднинг, зехн ва аклнинг бу халқда бошкалардан заррача хам кам эмаслигини, ахлок ва одобда, садокат ва тўғриликда, ор-номус химоясида сайёхлар тилида келишини таъкидлаб кўрсатади ва ўз фикрларини “Бир халқ(н)инг ё бир кавм(н)инг ахлок касб этмаси истеъдоду аклиясиндан тугар. Нокис аклдан макбул ахлок ва адаб тугмас”,-деб ёзади. Сўнг мисолларга ўтади: “Олами исломиятда машхур ва Оврупо Фарангистон уламосина маълум “муаллими соний”номини касб этмиш Абунаср Форобий хазратлари турк ўгли туркдирки, хам биринчи уламодан, хам биринчи хукамодандир. Али Хусайн Ибн Сино хазратлари Оврупода “Ави-Сена номи или машхур ўлан экан. Турк ўгли туркдир. Юнон кавми Букрот каби табиб ва Арасту каби филўсўф или ифтихор эдар. Ибн Сино эса, хам табиби машхур, хам филўсўфи нодир эди. Ибн Сино Арастунинг акси дагил эди ва лекин Арастунинг шогирди ўлмаюб ўзининг истеъдоди аклия ва зехнияси или Арастуя баробар келмишdir. Ибн Сино Бухоро мевасидир...”

азнавийларинг ва темурийларинг саройлари уламо ва хукамо жамиятлари или шарафландиги тарихларда ёзилмишdir...”

Муаллиф “хисса” чикаради:

“Хар миллат(н)инг ва халк(н)инг буюклиги, зўрлиги “чўклиқ” (“қўплик”), “мол ва касб”, “шижоат” ила ўлчанилур эса-да, энг шарафли мезон ва ўлчов “ilm ва хунар” дирки, буларга эга миллат, халк энг улуг, энг буюк халқдир”.

Сўнгги боб “Исломият ва маданият” деб номланган. Ундан мазкур рисола XIX аср ўрталарида кечган ислом ва илм-фан мавзуидаги бахсга ўзига хос жавоб эканлиги маълум бўлади. Исмоилбек Оврупо матбуотида гоҳ-гоҳ кўзга ташланиб коладиган «исломият маданиятга мутаносиб эмас» деган фикрнинг келиб чикиш сабаблари устида тўхтаб, уни чала мулла дин пешволаримизнинг жаҳолатидан кўради. Холбуки буни аниклашнинг йўли жуда осон. 1. Диннинг асосини, коидаларини ўқиб билмак. 2. Шу диндаги халкнинг ахволини ўрганмак. Хар икки жихатдан хам ушбу диннинг мукаммал бир маданият манбаи эканлиги маълум бўлади. “Куръони азимуш-шон бир китобдирки, хар нуктаси воситаи маданиятдир,-деб ёзади Исмоилбек. -Пайгамбаримизнинг хадислари ва гайри аозим ислом(н)инг калимот ва хукмиёти бир конуни ориллоҳ ва маданиятдур. Дунёда шариати мухаммадия кадар хакконият ва мусовот асоси узра таъсис ўлинмиш хеч бир мукаммал конун йўқдир.

Маданиятнинг бош ва аркони ўлан маориф, саъй ва амали иттиход, мусовот, хуррият, мухаббати ватан каби авсофи мамдуха дини ислом(н)инг биринчи даражада амр ва тавсия этдиган ахкоминдандир”.

Яна бир далил: бошка миллатлар ўз олимларини камок ва зинданларда чиритганида, мусулмон уламоларига юксак мартабалар берилиб, саройларда, шоҳ дастурхони атрофида умр кечирдилар.

Муаллиф иккинчи масалага-мусулмонлар ахволига тўхталар экан, арабларнинг “жохилият” деб ном олган исломгача бўлган тарихини мисол килиб келтиради. Ислом бу кавмни тамом янгилади, миллат холига келтирди. Улар юз йил ўтмай, Африка ўрталаридан Самаркандгача, Хиндистондан Франсиядаги Пириней тогларигача чўзилган салтанатни майдонга келтирдилар. Канчадан-канча халклар бу динни кабул килиб, маданиятнинг катта кўчасига чикиб олдилар. “Оврупо халкларининг хозирдаги хунар ва маданиятларина асос уламои ислом(н)инг самаройи саъий ўлдигини инкор этиб бўлмас”,-деб ёзади Исмоилбек ва бунинг далили сифатида бугунги илм-фан, шахар маданияти, дехкончилик, бодорчилик, экология кабиларнинг хаммаси ислом маданиятига бориб такалишини кўрсатиб беради.

Табиийки, ундаги бу гоялар муайян билим ва идрокка суюнган эди. Туркий халкларнинг ўтмиш маданиятини, рухиятини теран англашдан, унинг кейинги асрларда такдир такозоси билан тушиб колган тутқун ва тургун турмушини теран идрок этишдан, унга йўл излашдан келиб чиккан эди. Бу жихатдан Исмоилбекнинг “Туркистон уламоси” китоби мухим.

“Туркистон уламоси”

1900 йилда Бокуда босилди. Муаллиф “Ноширдан бир сўз”да “Оврупода улум ва фунун

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

бик оз мунташор ўлан бир замонда Туркистон китъасинда аклий ва наклий илмлара чолишмокда эмишлар", -деб изох берган.

Гаспринский замондошларини кўхна Туркистоннинг юздан ортик уламоси билан танишириар экан, уларни сахни кенг гулшандан саралаб олинган бир даста гул сифатида такдим этади, ўлканинг нодир истеъдодларга бенихоя бойлигини таъкидлайди. Китоб ўн фаслга бўлинган. Дастребки фаслда "Туркистонда етишан уламои машойих, мухаккиндан баъзилари" хакида гап кетади. Фасл "шоҳ Накшбанд"- машхур Мухаммад Баҳовуддин Накшбанд (1318-1389) билан бошланади. Муаллиф унинг тасаввуфга дахлдор "Далиул ошикин" билан "Хаётнома"си «арбоби урфон»нинг хар доим назар-эътиборида келганлигини хабар килади. Шайх Нажмиддин Кубронинг "618 санаи хижриясинда Чингиз аскари тарафинда шахид" этилганини маълум килиб, асарларини шархлади. Абдухолик иждувонийнинг ўнлаб машхур мутасаввифларга мураббийлигига тўхталади. Гаспринский "жоруллох" Замахшарийни, конуншунос, илохиёт олими Абуллайс Самаркандини (1075-1144), Навоийга дарс берган Фазлуллох Абуллайсийнинг аждодларидан, "Ахлоки Мухсиний"нинг муаллифи Хусайн Воиз Кошифийни (1440-1504) "Муфассири киром" (улуг тафсирчилар) фаслига киритади. "Шухрати таъриф ва баёндин мустагни ўлан" Замахшарий хакида сўзлаб, "тафсир, хадис, фикх, лугат, баён, нахв илмларинда замонининг энг биринчиси эди", -деб ёзади. 20 дан ортик китобини санаб кўрсатади. Факиҳи мухаккик Абуллайсийнинг 7 китобини тилга олади. Хусайн Воизнинг 4 китобига тўхтайди. Буюк мухаддислардан Имом Бухорийнинг 19, Мухаммад бинни Исо Термизийнинг 6 асари хакида фикр юритади. Китобдаги фасллардан бири "улуми адабия" вакилларига багишлиланган. Фасл фороблик Абунаср Исмоил бин Ал-Ахмад Жавхарий (в.1003) билан бошланади. Унинг "Тож-ул лугати ва сахих ал-арабияти" номли лугати келтирилган. Араб тилига оид бу китоб, чамаси, ўз даврида бенихоя машхур бўлган. Замахшарийнинг, бу тилни мукаммал эгаллагани учун, "жоруллох" (оллохнинг кўшниси) лакабини олгани маълум эди. Муаллиф келтиришича, Жавхарийнинг замондошлари ушбу китобни араб уламоси кўлига бериб, "Лугатингизни ажнабий бир одамдан ўрганингиз!", деган гапи машхур бўлиб кетган экан. (10-бет). Сарф, нахв, маоний, адаб, мунозара, кофия фанларидан баҳс юритган "Мифтохул улум" («Илмлар калити»)нинг муаллифи хивалик Сирожиддин Юсуф Саккокий (в.1229), унинг хамшахари "Хадойикус сехр"и билан шухрат козонган Рашидиддин Ватвот (в.1188), "Ан-нахж" («Усул»), "Наводир ал усул" («Усул жилолари») каби китоблар ёзган Абу Абдулло Термизий (Хаким Термизий) (в.816) каби ўндан ортик уламо хакида маълумот ушбу бобда келтирилган.

Навбатдаги фасл "сохиби девон машохир шуаро" (девон тартиб этган машхур шоирлар) хакида. Унда "Сайрул ибод"и билан илохиёт мавзуига янги йўналиш берган Санойи (в.1054)дан "девони мажор-венгр уламосинда мусъё Вамбери тарафиндан немис дилина даржима ўлинмиш" Махтумкулигача бор. Муаллиф аждодлари Кеш-Шахрисабздан бўлганликларини кўзда тутиб, Амир Хисрав Дехлавийни хам киритган. Шунингдек, макбараси Табризда бўлган, "илми хикмат ва шеърда машхури замон" Зохир Фарёбий (в.1202), "кувваи хаёлияи шоирона"да беназир Шавкат Бухорий (1636 йилда Исфаҳонда вафот этган) каби умрининг сўнгги бошка юртларда кечган каламкашлар хам ўрин олган. Ахсикатлик шоир Асириддин Ахсикатий (в.1212)ни Анварий (Авхадиддин Анварий, 1105-1187), Хоконий каби "азим шуаро" категорига кўяди. Сайфиддин Исфаранги деган

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

шоирнинг шеърлари Улугбек замонасида гоят шухрат топганини маълум килади: “Девони ашъори 12 минг байт жамъ ўлуб, аксарият Улугбек мажлисинда кироат ўлинурди”, “Исфара Мавороуннахрда бир касабадур”, деб изоҳ беради муаллиф. Пахлавон Махмуд (Пурёйвали)нинг “Канзул хакойик”и, Лутфийнинг “мусаввада колан” шеърий “Зафарнома”си хакида хам айрим кайдлар учрайди.

Муаллиф Алишер Навоий ва унинг адабий мухити хакида хам тўхталган. Хусусан, Навоий борасида “лакаби зуллисонайн ўлуб, хижратинг тўкузунчи асли авохиринда етишан чигатой ва Ажам шуаросининг энг машхурларидандур, бохусус, турк(н)инг “раис ал-шуароси” дея талки ўлинадур. Илми хат, расм, мусики, наккошлиқ санъатларинданда вокиф эди...” (13-бет) деб ёзади. “Мавлоно Жомий илиа мусосир (асрдош) Лутфий”ни “форсий, бохусус туркий назмда сонийи Алишер” атайди. Султон Хусайн Бойкаронинг “кувваи табъи”ни таъкидлаб кўрсатади.

Фаслнинг энг диккатга сазовор жойларидан бири Ойшайи Самаркандин, Мехри Нуржаконбегим, Лола хотун, Асимий, Иффатий ва Дўхтари Кошгариј-жаъми 7 “турк шоираси” хакидаги фикрлардир. Афсуски, улар хакдаги материаллар кайддан нарига ўтмаган. Лекин шунинг ўзи хам Туркистон адабий тарихини ўрганишда мутахассисларга туртки бериши, табиий.

“Туркистонда етишган хукамо (хакимлар) ва атиббо (табиблар)” фасли Ибн Сино билан очилади. Гаспринский уни “дохий” атайди. Лотинчага таржима килинган “Конун”и “Оврупо дорилғунунларинда тадрис ўлинурди” деб ёзади. Тил билимини юксак баҳолайди: “Хаки-ла вокиф ўлдиги лисонлар: араби, форси, турки, юнони эди”. Фаслда II ном келтирилган. Булар машхур Форобий, Хўжа Фаҳриддин бин Авҳадий Сабзаворий (1384-1463), Ҳаким Азракий Марвий, Нажибиддин Самаркандин, Абу Язид Балхий, Абдурахмон Ал-Марзуйи, Абу Иброҳим Гургоний(в.1137), “Ёдгори тиб”нинг муаллифи Шариф Шарафиддин, “маданияти исломиянинг энг буюк ходимлариндан “50 парча асари вор” Абул Аҳмад бин Табиб Сархуший (в.897) кабилардир.

Алжабр асосчиси Ал-Хоразмий, Нилнинг сувини ўлчайдиган “микёс ал жадид” асбобини яратган Аҳмад Фарғоний (в.861), Абурайхон Беруний, Мирзо Улугбек, Али Кушчи, иёсиддин Жамшид - жамъи 12 киши “нужум, хайъат ва риёзия уламоси” сирасида берилган. Мазкур фаслдаги “Зижи Абу Маъшар”ни тузган, риёзиёт ва илми нужумга оид ўнлаб асарлар ёзган бу Абу Маъшар Балхий, Козизода Румий китобига шарх ёзган хайъатшунос Мухаммад Чагминий, хандасага доир китоблари билан шухрат козонган Шамсиддин Самаркандин (в.1204), олтмиш кадамлик устурлоб ясаган Мухаммад Хўжандий, Ой хакидаги кузатишлари европаликларни маҳлиё килган, “Ал бадиъ” («Гўзал яратилиш») асарининг муаллифи Абул Ҳасан, Маъмун “байтул хикмаси” (академияси)нинг бир оғиздан эътироф этилган олимни Абдулло бинни Сухайл Ал-Фарғоний каби хаёт ва ижодлари нисбатан кам ёритилган олимлар хакида тўпланган маълумотлар, шубҳасиз, ўзининг ахамиятини бугунги кунгача саклаб келади.

Мухими шундаки, арб ва Шаркни баравар билган Гаспринский Туркистонлик ушбу олимлар ижоди Европада кандай ўрганилаётганлигига хам диккат килади. Жумладан, Улугбек “Зиж”ининг 1665 йилги Оксфорд нашри, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Абу Маъшар асарларининг Европада кутиб олиниши, баҳоланишига оид маълумотлар келтиради.

“Туркистон уламоси»да “таърих ва жугофия уламоси” хакида хам боб бор. Ўнта тарихчи киритилган. Буларнинг бир кисми таниш: Ҳондамир, Табарий, Хофизи Абрӯ, Абдураззок

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

Самаркандин, Жамолиддин Абдулло Нишопурин (в.1512), Абу Саид Ал-Марвозий (в.1167), Мир Абдулкарим Бухорий (в.1830) номлари кўпчиликка у кадар маълум эмас. Гаспринский Жамолиддин Нишопурини асли Мавороуннахрлик деб танишиди. “Равзатул ахбоб” («Дўстлар боги») номли китоби борлигини, “Китоби такмил ас-синоа” («Ажойиботга кўшимча») сини Навоий номига ёзганлигини, Абу Саид Ал-Марвозийнинг эса 28 жилд (шундан 10 жилди “Таърихи Марв”, 8 жилди “Таърихи ансоб”) асари борлигини, Мир Абдулкарим Бухорийнинг Туркистон ва Афғонистонга доир бир китоби 1876 йилда Парижда мусъё Шефр томонидан французчага таржима килинганини бизга етказади.

Гаспринский Туркистон уламоси хакида тўхталар экан, бир фаслини маҳсус факихларга (диний хукук олимларига) багишлади.

XIX асрнинг охирида яшаган ва дунё кўрган зиёлиларнинг бирортаси хам Туркистоннинг ўша давр ахволидан каноат хосил килмайди. Исмоилбек хонликлар салтанатининг сўнгги давр ахволини шундай баён килади:

“Шоҳ Темур замонинда хар бири бир арслон ўлан туркистонийлар бу замонда таъсири зулм ва истибодод ила бирор сочсиз хотин, соколли заифалар поясина кирмиш эди. Эски илим ва уламодан хам деярли асар колмаган. Холис ва халол (киши) колмай, узун чопонларга, хилъатларга ўралган риёкор кўпайган эди. Золимлар йўлини тўсадиган шариат ахли тугаб, золимларга фатво топиб бериб, 5-10 тилла-олтун учун сабоҳдан окшома кадар “омин”, “омин” айтиб, миллатни хароб ва барбод этганлар саноксиз эди. Кандай бахтсизликки, бир учи Садди Чинга, дигар учи Ўрта ер денгизига чиккан салтанат баходирларининг авлоди ёшлиқда баччалик, сўнг эса баччабозлик харомликлари ичida умр кечирадирлар эди. Умаро ва вукалонинг аксари ё Эрон асиrlаридан, ё баччалик килганлардан мансабга кўтарилар эди. Шижаот майдонида Темурларнинг, Шайбонийларнинг исми-шарифлари унутилгани каби илим майдонида Ибн Синолар, Форобийлар, маориф майдонида Али Кушчи, Улугбеклар ёддан чикиб, бутун Мавроуннахр бир хонакойи паришон ва диёри дарвешон ўлмиш эди. Илм, хилм, маориф иззат-нафс ва хайсият (хурмат-эътибор) риёкорликка айланган эди. Бу сўзлар балки аччик сўзлардир, лекин тўгри сўзлардир. Тарих ёзадиган муаррих мадхия ёзадиган мирза эмас”.

Мана шу “хонакойи паришон” ватанга, “дарвеш” ва “риёкор”лар миллатга айланмас экан, Туркистоннинг келажаги йўқдир. Бу биргина Туркистон эмас, бугун Русия мусулмонларига тегишли.

Исмоилбек фикрича, ахволни тузатмок учун уч нарса керак: 1. Миллий фикр. 2. Миллий тил. 3. Миллий маориф. Миллий фикр, биринчи навбатда, миллат бирлиги фикридир.

Тил ягона адабий тил масаласидир. Миллий маориф она тилдаги таълим-тарбияни йўлга кўйишдир. Фикр ва тилни матбуот тарбия килади. Матбуот ходимларини етказувчи эса маорифдир. Демак ишни маорифдан бошлаш керак. “Таржимон” хам, “усули жадид” хам шу максадда дунёга келган эди.

“Инсонларни бир-биридан уч нарса узоклаширади: тил, масофа узоклиги, дин бошқалиги,-деб ёзган эди Исмоилбек “Хаёт” газетасининг 1 йиллиги муносабати билан.-Бундан 25 сана мукаддам ахволи миллиямизи мулоҳаза этарканман, заиф аклим билан дардларимизга дармон излаб кўрдимки, динимиз бир бўлса-да, масофа ва тилсизлик бизни ажратар экан”. Фан-техника самаралари олисни якин килгач, узокликнинг сабаби факат тил туфайли эканлиги маълум бўлди. “Шу аснода давом этади

Муаллиф:
12.02.2014 07:57 -

Исмоилбек,- жумла “образованный” зиёли кардошларим каби мен хам туркча исмимни ёзиши билмас эдим...”.

Йигирма беш санадан бери дедиким, ёздигим, чалишдигим будир: йўл очмок. Бошка бир нарса эмас. Чунки кудратли, нажиб, умрли, чидамли ва жасоратли бўлган турк миллатининг пароканда бўлиб, Садди Чин (Хитой девори)дан Оқ денгиз (Ўрта ер денгизи)га кадар ёйилиб, нуфузсиз, товушсиз- колиши тилсизлигидан, яъни “Лисони умумия”я эга бўлмаганидан майдонга келгандир. Бу эътиод билан яшадим. Бу эътиод билан мозорга киражакман”.

Миллат ва унинг манфаатини хар нарсадан мукаддам ва мукаддас тутган Исмоилбек “Хаёт”га йўллаган табригини шундай тугатган эди:“... Лекин ягона шарти-унутма: хар на ёзажак эсанг, каламни уч капиклик кора сиёхга ботирма, юрагингга ботириб, конинг билан ёз, сўзинг унар, виждонлара етар, акс холда бесамар кетади”.

1893 йилда Туркистонга келади.

Бухоро амири Абдулахадхон билан Кримда учрашган эди. Улар бир-бирларини билардилар. Исмоилбекга Ширвонлик Мажид анизода хамрохлик килади.

Самаркандлилар “усули савтия” гоясини яхши кутиб оладилар. Тезда “усули жадид” йўлга кўйилиб, иш бошланади. Исмоилбек Шахрисабзга, кетади. Мажид анизода 40 кун Самарканда колиб, “усули савтия”дан дарс беради.

Исмоилбекнинг Туркистонга иккинчи сафари 1908 йилга тўгри келади. Сафар тафсилотлари “Бухорода на кўрдим?” сарлавхаси остида “Таржимон”нинг ўша йил сонларида (47,50,57-59,64,78) босилган. Каспийдан “Генерал Скоблев” кемасида келиб, Красноводскдан поездга ўтаркан, Гўктепа урушини эслайди. Калъя ахолисининг “бутун Осиёга шухрат ва ибрат дея бола-чакаси баробар киличдан кечурулуб, от оёгига топталгани”ни алам ва изтироб билан ёдга олади. Исмоилбекни Янги Бухоро (Когон) станциясида амир одамлари ва Русия сиёсий агентлиги таржимони Мирхайдарбек кутиб оладилар. Амир уни Карманага таклиф этади. Зиёфат асносида Валиахд Сайид Олимхон билан учрашади. Валиахднинг Русия матбуотини мунтазам ўкиб боришини, дунё воеаларидан хабардорлигини кўради. Самарканда ўтади. “Усули жадид” мактаблари билан танишади. Махмудхўжа Бехбудий, Абдулкодир Шакурий билан узок сухбатлар куради. Гап тарих ва келажак, мукаддас обидалар ва уларнинг такдири, рус истилочилик сиёсати ва ўзликни саклаб колиш хакида эди.

Кайтишда яни Бухорога тушади. Күшбеги Остонакулбек билан тўхтаб колган янги мактабни юритишни гаплашади. Асосий тўскинлик козикалон томонидан эканлигини англаб, хузурига боради, ваъдасини олади. Бухородаги нўгойлар Исмоилбекни меҳмонга чакириб, “Жамияти хайрия”ларига фахрий аъзо киладилар. Янги очилган бир мактабни унинг шарафига “Исмоилия” атамокчи эканликларини айтадилар. Исмоилбек унамайди. Амир Абдулахадхоннинг мархум падари хурматига “Музаффария” номлашни маслахат беради...

Мактабларгина эмас, мадрасалар хам ислоҳ килиниши керак. Иложи бўлса, янги замонавий олий ўкув юртлари-университетлар курмок керак. Исмоилбек бу фикрга 1885 йилдаёк келган эди.

«Эй давлатлулар!- деб ёзган эди Бухоро ва Хива хонларига мурожаатида,- майдони сиёсатда мглуб ўлуб, истиклолни гойиб этди. Бу замонда гафлат эдилурса, майдони иктиносид ва маишатда миллат маглуб тушуб, сабаб ўланлари дунё турдикча масъул тутажакдир...

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

1905 йил кириб келди. Май ойида Исмоилбек Кримдаги мусулмонларнинг турмушини янгилаш лойихасини тузиб бир гурух зиёлилар вакили билан Петербургга боради. Идорама-идора юриб ўз фикри карашларини химоя килади. У кўтарган энг муҳим масалалардан бири сўз ва матбуот эркинлиги эди. Иш кийин кечди. “Хуррият матбуот” низомини тайёрлаётган жаноб “Кубаку” мусулмонларга бундай эркинлик берилмаслигини айтди: “Зиёда мутаассиб” эмишлар...

Исмоилбек Петербургда худди шундай ташвишлар билан юрган Бокулик зиёлилар Алимардонбек Тўпчибошев ваа Ахмадбек Огаевлар билан учрашиб колади. Русия мусулмонларининг ўзаро маслахатлашиб оладиган бир уюшмасини ташкил килиш ва умумий максадни белгилаб, хамкорликда иш олиб бориш гояси тугилади. Келишиб оладилар. Барча кийинчиликларни карамай, 1905 йилнинг 15 аавгустида Москвада яширин равишда дарёда саёҳат килиб юрган сайёхлар киёфасида Русия мусулмонларининг I курултойни ўтказадилар. Исмоилбек раислик килади. Курултой (“Шўрайи уммат”) “Иттифоки муслимин” жамиятини тузади. Жамиятнинг асосий вазифаси Русия мусулмонларининг “сиёсий ва ижтимоий хукукларини химоя килиш” деб белгиланади. Сиёсий партия макомида эканлиги таъкидланади. Тантicasи бўйига эса, русларнинг энг маъкул фирмаси билан иттифокда бўлиш маъкул топилади. Жойларда, шу жумладан. Туркистонда шуъбаларини очишга карор килинади, муваккат марказ (Боку) хакида келишиб олинади.

Исмоилбек “Иттифоки муслимин”нинг тузилишини “тарихи жадидимизнинг бош сахифаси” деб баҳолаган эди.

1906 йилда ушбу “Шўрайи уммат”нинг 2 курултойи бўлиб ўтди. “Иттифоки муслимин” Русиядаги барча мусулмонлар каторида туркистонлиларнинг хам ижтимоий-сиёсий хукукларинги химоя килишди. Хусусан, сўз матбуот, виждан эркинлигини таъмин этишда кўлидан келган барча ишни килди. Бирок чор хукумати мазкур жамиятнинг фаолиятига йўл бермади, каттиқ таъкиб остига олди.

Исмоилбек тўхтамади, миллатни уйготишнинг янги-янги йўлларини излади. Ягона адабий тил масаласига диккатни каратди. Унингча, адабий тил миллатнинг бирлигини ва борлигини таъмин этувчи кудратли воситадир. Замон ихтилофлари туфайли бир-биридан фаркланиб колган шеваларга мустакилликни бermok миллатни ич-ичидан айрилмокдир. Унинг окибати халокатдир. Шунинг учун хам у ўз маколаларидан бирини “Жон ёки тил масаласи” (1908 йил 5-6 сонлар) деб номлаган эди.

1914 йилда буюк маърифатчи вафоти муносабати билан эълон килинган кўпдан-кўп маколалар орасида Фотих Амирхоннинг бир хотираси бор. Ф.Амирхон унга “бир съезддаги хотира” деб изоҳ беради.

Чамаси, Ф.Амирхон инкилобий гоялар билан кизикиб юрган йиллар. Исмоилбекни синфлар хакидаги гапларга тортади.

“Ўглим, Сиз ёшсиз, тажрибангиз йўқ, шу сабаб керагидан ортиқ катта иборалар истеъмол этасиз... сўз бошлайди Гаспринский.-Сизнинг каби кизув рухли ёшларимиз миллатга хизмат этуб, анинг маданий даражасини ўсдурсалар, ул вактда биз синфий ихтилофлар тўғрисинда сўзлашурмиз, фикр юритушурмиз. Маданияти йўқ бир миллатнинг саноати бўла олмас. Модомики, ул йўқ, хали синфий низоларга эрта. Бизнинг буқунги вазифамиз хали маданий ўсуvdан ва шунга йўл хозирловдангина иборат... Андин сўнгтисини биздан сўнгтилар киларлар...”

Муаллиф:

12.02.2014 07:57 -

Миллат ва маданиятнинг бобоси оғзиндаги бу сўзлар хам ишончли, хам улуг ёнггрийлар эди", - деб тугатади ўз хотирасини Фотих Амирхон ("Онг" ж., 1914 й., 18-сон, 332-333 бетлар). Аслини олганда, у илмий социализм билан таниш эди. Лекин уни кабул килмаган эди. Бунинг далили 1885 йилда Истамбулда эълон килган "Оврупо маданиятига бир назар мувозана" рисоласи. Уни Россияда чоп этиш имкони бўлмади. Асарнинг асосий гоясини Европада кезиб юрган шарпа-иштирокиончилик билан баҳс ташкил этган эди. Сўнгрок 1905 йил шарофати билан "Мазхаби иштирокион" ("Таржимон"г., 1906 йил 72-76 сонлар) маколаси босилди. Шунингдек, муаллифнинг "Дорул роҳат мусулмонлари" бадиий-публицистик романида хам бу баҳс давом этди. Бу табиий хол. Ўз халки, мамлакатининг истикболи хакида ўйлаган хар бир кишининг бу таълимот билан юзма-юз бўлиши табиий эди.

Гап шундаки, Исмоилбек бу таълимотининг асосий нукталарини шубха остига қўйди. Жумладан, "социализм меҳнатда синалган кардошлиқдан бошка на динни, на иркни, на миллатни, на тилни тан олади. Уларнинг коидаси ва максади: "Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!"-деб ёзди. "Социалистлар" ва "социал демократ"ларнинг "адолат", "мусовийлик" хакидаги шиорлари ташкаридан жуда жимжимадор, кишини маҳлиё килувчи бўлиб кўринади. Аслида бу назария уни тугдирган сабабларга мувофик иш тутади... инкилобий курашга, кон тўкишга чакиради..."

Маданият ва умр илло, адолат ва мусовийликни баркарор этмок учун. "Лекин бунинг учун жаҳон тартибини бузмокка хожат йўқ, акс холда бундан хам катта мураккабликларга дуч келинади. Хар бир кишининг иш, ер ва осойишталигини таъминламок зарур. Аммо бу мутлако бириникини мусодара этиб, иккинчисига бериш дегани эмас". "Русия миллий мажлисинда иштирок этган ишчи ва дехконларнинг делегациялари помешчиклар ва буржуазиянинг мол-мулкини мусодара этмакни таклиф киладилар..."

Яна:

"Турли кишиларнинг акли, кучи кобилияти турлича, шунинг учун хам хар ким ўз имконига караб йигинади... Энди шунинг бариси кишиларга тенг бўлинади, дейдилар. Бу кандай тенглик бўлди? Бунда адолат борми? Мамлакат ва жамиятни "казарма"га айлантириб, хар бир кишини умумий емакхонага таклиф этармишлар... Мошолло социалистлар! Сизлар яхши маданият, зўр турмушга бошламоқдасиз!".

«Исмоил Гаспринский ва унинг "Мазхаби иштирокион"и» маколасининг муаллифи Ю.Османов буюк маърифатчининг юкоридаги фикрларини тахлил килар экан, унинг утопик социализмга даҳлдор материаллар билан хам атрофлича таниш бўлганини тахмин этади. Гап шундаки, Гаспринский социалистик назариянинг ўзини хам утопик хисоблади. Халкларнинг айrim тарихий формацияларни сакраб ўтишига шубха билдириди. Кишиларни зўрлаб баҳтли килиб бўлмайди. Мажбурий етаклаб борилган жаннат ундей киши учун жаннат эмас, дўзах, деб хисоблади.

Алишер Насафий